

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

551 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 1 мартдаги ПФ–4974-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 1 мартдаги ПФ–4974-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 22 июнь,
412-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 22 июндаги 412-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси судьялари, адлия органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида» 1993 йил 9 июлдаги 343-сон қарорига:

а) 3-иловага қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида бошқарув ходими сифатидаги ишлаш даври кўп йил ишлаганлиги учун устамалар тўлаш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармасида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳукуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари ва унинг аппарати етакчи мутахассиси сифатидаги ишлаш даври кўп йил ишлаганлиги устамалар тўлаш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади»;

б) 4-иловага қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ.

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида бошқарув ходими сифатидаги ишлаш даври мартаба даражалари олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармасида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳукуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари ва унинг аппарати етакчи мутахассиси сифатидаги ишлаш даври мартаба даражалари олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга боришлари тартибини ва Ўзбекистон Республикасининг дипломатик паспорти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 1-сон, 1-модда) 3-илованинг 1-рўйхати қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1-рўйхат

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва унинг оила аъзолари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари ва уларнинг ўринбосарлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши
котиби ва унинг ўринбосарлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Ишлар бошқарувчи-
си ва унинг ўринбосарлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ижро этувчи аппарати раҳбари
ва ходимлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилик қиладиган расмий де-
легацияларга хамроҳлик қиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти
девонининг ходимлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хавфсизлик хизмати бошлиғи
ва ходимлари».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон қарори (Ўзбе-
кистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 23-модда) билан тасдиқланган
Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларида хизматни ўташ тўғри-
сидаги низомда:

а) 30-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Махсус унвонлар давлат солиқ органларидан ишга ўтган Ўзбекистон
Республикаси Президенти девони бошқарув ходимларига ҳам берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида бошқарув ходими си-
фатидаги ишлаш даврида махсус унвонлар тегишли махсус унвонлар бериш
учун зарур бўлган муддатлар ўтгандан кейин ушбу Низомда назарда тутил-
ган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони тегишли тарки-
бий бўлинмаси раҳбарининг тавсиясига асосан берилади»;

б) 31-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида бошқарув ходими си-
фатидаги ишлаш даври махсус унвонлар олиш учун зарур бўлган иш ста-
жига қўшилади»;

в) 2-иловага қуйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида бошқарув хо-
дими сифатидаги ишлаш даври лавозим маошига ҳар ойлик устамалар тўлаш
учун зарур бўлган иш стажига қўшилади».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 мартдаги 93-сон қарори (Ўзбе-
кистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 3-сон, 22-модда) билан тасдиқланган
Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасалари ходимларининг
мартаба даражалари тўғрисидаги низомнинг 5-бандига қуйидаги мазмунда-
ги хатбошилар қўшилсин:

«Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мартаба даражалари қуйи-
дагиларга ҳам берилади:

Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган
Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бошқарув ходимларига;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва
Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ҳамда Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик хизматлари ходимларига, шу-
нингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарув-

чисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига ва унинг аппарати етакчи мутахассисига».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 апрелдаги 180–ф-сон фармойишида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропортида алоҳида муҳим йўловчиларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ»;

б) 1-иловада:

илова номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро
аэропортида алоҳида муҳим йўловчиларга хизмат
кўрсатиш зали тўғрисида
НИЗОМ»;**

1.1.-банддаги «Тошкент» халқаро аэропорти» сўзлари «Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга илованинг номланишидаги «Тошкент» халқаро аэропорти» сўзлари «Ислом Каримов номидаги «Тошкент» халқаро аэропорти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга иловадаги 1-рўйхатнинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари ва уларнинг ўринбосарлари

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби ва унинг ўринбосарлари

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Ишлар бошқарувчиси ва унинг ўринбосарлари

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ижро этувчи аппарати раҳбари ва унинг ўринбосари

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати раҳбари

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони шўъба мудирлари»;

4.2-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ва унинг ўринбосарлари»;

қуйидаги мазмундаги 4.4-кичик банд қўшилсин:

«4.4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири аппаратининг мудирлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати ахборот-таҳлил департаментлари мудирлари ва бошқармалари бошлиқлари»;

Низомга иловадаги 2-рўйхатнинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) Ўзбекистон Республикаси аэропортларида расмий делегацияларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низомга илованинг 1-рўйхатида:

1.2-кичик банддаги «миллий» сўзи чиқариб ташлансин;

1.4-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ижро этувчи аппарати раҳбари ва унинг ўринбосари»;

1.5-кичик банддаги «Матбуот котиби» сўзлари «Матбуот хизмати раҳбари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1.6-кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

1.7-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони шўъба мудирлари»;

4.2-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ва унинг ўринбосарлари»;

4.4-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4.4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири аппаратининг мудир, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати ахборот-таҳлил департаментлари мудирлари ва уларнинг ўринбосарлари, бошқармалари бошлиқлари ҳамда функционал бўлимлари мудирлари».